
14 январь - Ватан ҳимоячилари куни!

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган барча ҳарбий хизматчиларни ва фахрийларни, уларнинг оила аъзоларини ҳамда юртошларимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан самимий муборакбод этади.

Жонажон Ватанимизни ҳимоя қилишдек ғоят шарафли ва масъулиятли вазифани адо этишда юртимизнинг жасур ва мард посбонларига улкан ютуқлар, оилавий бахт-саодат тилаймиз.

Сизнинг ҳамиша ҳушёр ва сергаклигингиз, ҳар қандай шароитда ҳам Ватан ҳимояси учун тайёрлигингиз туфайли бугун юртимизда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда, халқимиз осуда ҳаёт кечирмоқда.

Ватанимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталиги йўлида жонини фидо қилган ўғлонларнинг ҳам хотираси мангу яшайди.

Байрамингиз муборак бўлсин, ватанпарвар, мард ва жасур ўғлонлар!

2022-01-14 09:36:22